

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ҚУЛМЕТОВ МАНСУРБЕК РЎЗМАТОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЎРТАСИДАГИ РАҚОБАТНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)
диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2020 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (Doctor of
Philosophy) по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Қулметов Мансурбек Рўзматович

Тижорат банклари ўртасидаги рақобатни такомиллаштириш йўналишлари..... 3

Қулметов Мансурбек Рўзматович

Направления совершенствования конкуренции между коммерческими банками ... 25

Kulmetov Mansurbek Ruzmatovich

Directions for improving competition between commercial banks..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ҚУЛМЕТОВ МАНСУРБЕК РЎЗМАТОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЎРТАСИДАГИ РАҚОБАТНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2020 йил

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2020.1.PhD/Iqt219 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.


Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-
саҳифасида (www.tfi.uz) ва "Ziyounet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz)
жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Мирзаев Фарход Исамович иқтисодиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Карлибаева Рая Хожимурадовна иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Исмаилов Алишер Агзамович иқтисодиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Г.В. ПЛЕХАНОВ номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент филиали


Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи
DSc.03/30.12.2019.1.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 21 08 соат 14³⁰ даги
мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темуր шох кўчаси, 60А-уй. Тел.:
(99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин
(141 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темуր шох кўчаси, 60А-уй.
Тел.: (71) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2020 йил 05 08 куни тарқатилди.
(2020 йил 05 08 даги 54 рақамли реестр баённомаси.)


Б.Э. Тошмуродова
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор


Н.Н. Калаидарова
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт
фанлари бўйича фалсафа доктори,
PhD


И.Н. Кузнецов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, и.ф.д., профессор



КИРИШ (фалсафадоктори (PhD) диссертациясианнотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон банк тизимида рақобатнинг кучайиб бориши банкларнинг фаолиятига тўғри баҳо бериш заруриятини келтириб чиқармоқда. Жаҳон амалиётида банклар ўртасидаги рақобат даражасини баҳолаш асосан йирик банкларнинг активлари ёки бошқа кўрсаткичларининг бозордаги улуши орқали баҳоланади. Айрим давлатларда бозордаги банкларнинг рақобатини аниқлашда йирик учта, бешта ёки ўнта банкларнинг бозордаги улуши орқали аниқлаш танлаб олинган. Жумладан, “Россия Федерациясидаги йирик бешта банкнинг берилган кредитдаги улуши 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра 67,4% ни ташкил этган”¹. Жаҳон амалиётини кузатадиган бўлсак, Германияда бешта банкнинг активлардаги улуши 30% ни, Австрияда-36%, Буюк Британияда-37%, АҚШ-45% ни ташкил этади. Банк тизимидаги концентрацияси муаммоли давлатларда ушбу кўрсаткич қуйидагича: Португалия-70%, Кипр-67,6%, Испания-60%, Греция- 95,2%. Шунинг билан биргаликда концентрацияси юқори бўлган давлатларда ҳам бешта банкларнинг активлардаги улуши юқорилигини кузатиш мумкин. Жумладан, “Бельгия-65,5%, Финландия-75% ҳамда Дания-67,8% ни ташкил этади”². Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, жаҳонда банклар ўртасидаги рақобат даражасини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларининг Марказий банклари, Халқаро валюта жамғармаси каби қатор молия ташкилотлари томонидан банклар ўртасидаги соғлом рақобатни шакллантириш ва уларнинг фаолиятини самарали бошқариш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Мазкур тадқиқотларда, банклар ўртасидаги рақобат даражаси асосан йирик банкларнинг активлари, кредит ҳажми, капитал ва депозитларни жалб қилиш билан боғлиқ кўрсаткичларнинг бозордаги улушлари орқали баҳолашлар ўрганилган. Бироқ, тадқиқотларда, айнан банк рискларини бошқариш, кредиторларнинг тўловга лаёқатлилигини баҳолаш, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларда инқирозга қарши курашда молиявий бошқарувни ташкил этиш, молия бозоридаги барча тижорат банклари ўртасидаги соғлом рақобатни кенгроқ ўрганилмаганлиги каби жиҳатлари етарлича очиб берилмаган. Хусусан, тижорат банклари ўртасида рақобатбардошликни баҳолашнинг самарали механизми яратиш, электрон маркетингдан оқилона фойдаланган ҳолда масофавий банк хизматларини жорий этиш орқали банк рақобатдошлигини баҳолаш билан боғлиқ масалалар долзарблигини сақлаб турибди. Албатта, мазкур масалалар банклар ўртасидаги рақобатни такомиллаштириш юзасидан илмий ва амалий тадқиқотлар олиб бориш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистонда молиявий секторни изчил ислоҳ қилиш давомида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди ва натижада илғор банк бизнесини юритиш

¹ <https://www.banki.ru/news/research/?id=10890092>

² <https://www.banki.ru/news/columnists/?id=9163740>

ҳамда ушбу секторда рақобат муҳитини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, "...молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банкларда хизмат кўрсатишни модернизация қилиш, самарали инфратузилма яратиш ва банклар фаолиятини автоматлаштириш, шунингдек, банкларнинг асосий фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган функцияларини босқичма-босқич бекор қилиш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш"³ каби муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси", 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисидаги, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги Фармонлари, 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сонли "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари ва бошқа ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. "Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш" устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банклари ўртасидаги рақобатни шакллантириш, уларни турли моделлар асосида баҳолаш масалалари Jacob A Bikker, Loura Spierdijk, Goldberg, L and Rai, A., Weill L, Demirguc-Kunt, and M.S. Martinez Peria, Degryse, H., and S. Ongena, A. W. A. Boot, and A. V.Thakor, Hauswald, R., and R. Marquez, Schaeck, K., and M. Cihak⁴ каби хорижлик иқтисодчиларнинг ёндошувларида тижорат банклари

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992 сонли "2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида" Фармони

⁴Jacob A.Bikker Loura Spierdijk. 2017 Handbook of Competition in Banking and Finance 424 p. Goldberg, L and Rai, A. 1996: The structure–performance relationship in European banking. Journal of Banking and Finance : 745–771.; Weill, L. 2003: Banking efficiency in transition economies, the role of foreign ownership. Economics of Transition 11(3): 569–592. Francfort. Demirguc-Kunt, and M.S. Martinez Peria, 2010, "A framework for analyzing competition in the banking sector: an application to the case of Jordan," World Bank Policy Research Working Paper No. 5499. Degryse, H., and S. Ongena, 2008, "Competition and regulation in the banking sector: A review of the empirical evidence on the sources of bank rents," in Handbook of Financial Intermediation and Banking, ed. by A.W. A. Boot, and A. V.Thakor. Elsevier, San Diego, pp. 483-554. Hauswald, R., and R. Marquez, 2006, Competition and strategic information acquisition in credit markets," Review of Financial Studies 19(3), 967-1000. Schaeck, K., and M. Cihak, 2010, "Competition, efficiency, and soundness in banking: An industrial organization perspective," European Banking Center Discussion Paper No.2010-20S.

рақобатини баҳолаш ва турли моделларни қўллаш масалалари ёритилган бўлиб, мазкур тадқиқотлар мавзуни ўрганишда методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Банклараро рақобат тушунчасига оид илмий концепцияларни, улар шаклланишининг иқтисодий механизми, ўзига хос хусусиятлари, рақобат курашини оптималлаштиришга қаратилган моделлаштириш усуллари ва услублари хорижлик иқтисодчи олимлардан Н.М.Розанова, С.Дробышевский, С.Пашенко, Г.Л.Азоев, А.Д.Голубович, И.А.Трахтенберг, И.О.Лаврушинлар илмий ишларида тадқиқ қилинган⁵.

Ўзбекистон банклар бозорида рақобатни баҳолашнинг айрим хусусиятлари, жумладан, банк рақобати бозорида капитали етарлилигини таъминлаш масалалари, ликвидлик даражасини ошириш, банк рақобатбардошлигини таъминлаш, Ш.З.Абдуллаева, О.Ф.Алиқориев, Г.А.Бекмурадова, О.К.Иминов, А.А. Омонов, Ф.И.Мирзаев, А.А.Омонов, О.А.Ортиқов, О.Б.Саттаров ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган⁶.

О.А.Ортиқов тадқиқотларида банклараро рақобат шароитида банк хизматлари ва уларни такомиллаштиришда рақобатнинг устунлигини таъминлаш жараёнларига эътибор қаратган бўлса, Ўзбекистонда банклараро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асослари Ф.Мирзаев томонидан тадқиқ этилган. Аммо, тижорат банклари бозорида рақобат даражасини баҳолашнинг аниқ методларига таянилган ҳолда баҳо бериш масалалари чуқур таҳлил этилмаган. Айниқса, тижорат банклари ўртасида ички рақобат муҳитини баҳолаш масалалари тадқиқ этилмаган. Айнан шу жиҳат диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқот вазифалари доирасини белгилашга асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий

⁵Розанова Н.М. Деньги и банки: учебник. – М.: Издательство Юрайт, 2018. – 241 с; Анализ конкуренции в российском банковском секторе. / С. Дробышевский, С. Пашенко. – Москва: ИЭПП, 2006. – 130 с.; Голубович А.Д. Управление банком. Москва, 1995. – с. 194; Лаврушина И.О. Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент). -Москва, 2002.- с. 634. Трахтенберг И.А. Современный кредит и его организация.-Москва, 1931.-С.191.; Азоев Г.Л. Конкуренция: анализ, стратегия и практика. – Москва, Центр экономики и маркетинга. 1996. - с.208.

⁶Абдуллаева Ш.З.Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш. Иқтисод фанлари доктори...дис. автореферати – Тошкент: 2000. – 46 б.; Алиқориев О.Ф. Тижорат банклари молиявий хизмат турларини ривожлантириш йўналишлари. Иқт. Фан. Ном. Дисс. автр.-Тошкент, 2011, -28 б.; Бекмурадова Г.А. Тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион маркетинг концепциясини такомиллаштириш. иқт. фан. ном. дисс. авт. –Тошкент, 2017, -53 б.; Иминов О.К. Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш масалалари. Иқтисодфанлардоктори... дисс. автореферати. – Тошкент: 2001.– 21 б.; Омонов А.А. Тижорат банклари ресурсларини самарали бошқариш масалалари. Иқтисод фанлари доктори диссертация автореферати. –Тошкент, 2008. -37 б.; Мирзаев Ф.И. Ўзбекистонда банклараро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асослари. Иқтисод фанлари доктори... дисс. автореферати. – Тошкент:Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, 2009.– 41 б.; Ортиқов О.А. Банклараро рақобат шароитида банк хизматлари ва уларни такомиллаштириш йўллари. иқт. фан. ном. дисс. авт. –Тошкент, 2009. -19 б.; Саттаров О. Тижорат банклари фаолияти таҳлили. Ўқув қўлланма.-Т. “Иқтисод-молия”., 2013.-192 б.;

асослари” мавзусидаги илмий тадқиқот ишларига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тижорат банклари ўртасидаги рақобатни такомиллаштириш юзасидан илмий-услубий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

иқтисодий ривожлантиришда рақобатни ўрнини назарий асосларини чуқур таҳлил қилиш;

тижорат банклари ўртасидаги рақобатни моҳияти, зарурлиги ва мақсадини ёритиб бериш;

тижорат банклари ўртасидаги рақобатни хориж тажрибасини таҳлил этиш ва Ўзбекистон банк тизимида қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

тижорат банклари ўртасидаги рақобатни аниқлаш методларини таҳлил қилиш масалаларини ўрганиш ҳамда баҳолашнинг янги методини ишлаб чиқиш;

тижорат банклари ўртасидаги рақобатни юзага келтирувчи омилларнинг амалдаги ҳолати таҳлил қилиш;

республикамиз тижорат банклари кредит (депозит) бозоридаги рақобатини Лернер индекси орқали баҳолашни таҳлил қилиш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

тижорат банклари ўртасидаги рақобат даражасини аниқлаш парадигмасини таҳлил этиш;

тижорат банклари ўртасидаги рақобатни баҳолашни такомиллаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари ўртасидаги рақобатни баҳолаш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий асослар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети тижорат банклари ўртасидаги рақобатни баҳолашда фойдаланиладиган молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида гуруҳлаш, қиёсий ва таркибий таҳлил, синтез, индукция ва дедукция, эконометрик-статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

банклараро рақобат шароитида банклар томонидан “Ўз мижозингни бил” тизимини жорий этиш орқали банк мижозлари сонини ўртача йиллик 10-15 фоизгача кўпайтириш имконияти асосланган;

банкларда рақобат муҳитини замонавий маркетингдан самарали фойдаланган ҳолда масофадан туриб банк хизматларини кенг жорий этиш зарурлиги асосланган;

тижорат банклари ўртасидаги рақобатни ахборот манбаи, омиллар, кўрсаткичлар асосида баҳолаш механизми ишлаб чиқилган;

тўлов хизматлари бозорида банклараро рақобатни кучайтиришда интернет-банкнинг тизими имконияти он-лайн конверсия, микроқарз хизмат

турини киритиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

банклар ўртасидаги рақобат, банкларнинг барқарорлиги ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик алгоритми ишлаб чиқилган;

республикамиз тижорат банклари кредит (депозит) бозорларидаги рақобатни аниқлашда Лернер индексидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

банклар ўртасидаги рақобатни даражасини баҳолашда too-big-to-fail (TBTF) “жуда катта, инқирозга учраш учун” модели асосида энг оптимал парадигма таклиф этилган;

тижорат банклари ўртасида рақобатни бозор концентрацияси юқори бўлишини таъминлашда Б5 банклар (Big banks 5) улушини 60% дан оширмаслик асослаб берилган;

тижорат банклари ўртасидаги рақобатни баҳолашдаги муаммолар аниқланиб, уларнинг ечимлари юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларни таниқли иқтисодчи олимларнинг банк фаолиятини тизимли бошқариш концепциялари ва уларнинг банк фаолиятини ривожлантиришдаги ўрни, илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, банклар ўртасидаги рақобатни баҳолашдаги илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, эксперт баҳолаш натижаларига, Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг, тижорат банкларининг маълумотларига, шунингдек бошқа амалий маълумотлар таҳлилига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан тижорат банклари ўртасидаги рақобатни баҳолаш, банклар бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш; рейтинг кўрсаткичларини жорий этиш асосида банкларни халқаро бозорга чиқиш масалаларини таъминлаш; Базель III талабларини босқичма-босқич бажариш ва унга мослашиш; тижорат банклари ўртасидаги рақобатга таъсир қилувчи омилларни аниқ белгилаш; янги банк маҳсулотлари асосида банкларни рақобат бозорида устунлигини таъминлаш каби илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни республика тижорат банклари ўртасидаги рақобатни баҳолашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тижорат банклари ўртасидаги рақобатни такомиллаштириш йўналишлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

банклараро рақобат шароитида банклар томонидан “Ўз миջозингни бил” тизими бўйича таклифи “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан

амалиётга киритилган (“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 2019 йил 02 декабрдаги 24-03-09-310-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида “Ўзсаноатқурилишбанк” тизимида ўтган йилга нисбатан миқдорлар сони 10% ошган ҳамда 1 миллиондан зиёд миқдорларга хизмат кўрсатиш имконияти яратилган;

банкларда рақобат муҳитини замонавий маркетингдан самарали фойдаланган ҳолда масофадан туриб банк хизматларини кенг жорий этиш таклифи “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан ўрта муддатли ривожлантириш стратегиясига киритилган (“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 2019 йил 2 декабрдаги 24-03-09-310-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши банкнинг масофавий хизматлари ҳажмини 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 246,5 млрд. сўмга ошишини таъминлаган;

тижорат банклари ўртасидаги рақобатни ахборот манбаи, омиллар, кўрсаткичлар асосида баҳолаш механизми бўйича таклифи “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан “Миқдорлар сиёсати”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 2019 йил 02 декабрдаги 24-03-09-310-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф “Ўзсаноатқурилишбанк” миқдорларининг сонини ҳисобот йилида 11,7 фоизга ошириш имконини берган;

тўлов хизматлари бозорида банклараро рақобатни кучайтиришда интернет-банкнинг тизими имкониятини он-лайн конверсия, микроқарз хизмат турини киритиш таклифи “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан кредит сиёсатига киритилган (“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ нинг 2019 йил 02 декабрдаги 24-03-09-310-сон маълумотномаси). Ушбу хизмат турлари амалиётга жорий этилиши натижасида банкнинг миқдорларга кўрсатаётган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ҳисобот йилида 1,18 баробарга ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши натижалари жами 5 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган ҳолда 140 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объектив аспекти тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари

баёнқилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Тижорат банклари ўртасидаги рақобатни назарий асослари”** деб номланиб бунда, иқтисодий турли тармоқларини ривожлантиришда рақобатни ўрни ва роли, тижорат банклари ўртасидаги рақобат тушунчасининг иқтисодий моҳияти ҳамда жаҳон банк амалиётида рақобат даражасини баҳолаш моделлари ва уни Ўзбекистонга тадқиқ этиш йўллари кенг таҳлил этилган.

Биринчи бобда кўплаб олимларнинг рақобат тушунчасига берган таърифларини иқтисодий моҳияти чуқур таҳлил қилиб берилган. Жумладан, Америкалик олимлар рақобатнинг ядроси бу албатта бозорда иштирок этувчи молиявий институтлар ва уларни бозордаги ҳолати ҳисобланади. Рақобат жараёни маълум бир механизм асосида яратилиб, унинг муҳим тамойили сифатида унда иштирок этувчилар ҳисобланади деб таъкидлайди. Муаллиф фикрича, рақобатда инсонлар ўртасидаги муносабат асосий рол ўйнайди деб ҳисоблайди, аммо бошқа олимлар фикрича рақобатда барча иштирок этади. Бир гуруҳ олимларнинг фикрича, айнан жуда кучли рақобат мамлакат компанияларини жоҳон бозорига чиқиш ва уни ўзлаштиришга ундайди, модомики, маҳаллий рақобат компанияни ўз эътиборини ташқи бозорга қаратиш ҳамда ўз фаолиятининг самарадорлигини ва ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишга мажбур этади деб изоҳлашади.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, банк соҳасидаги рақобат ҳам банклар бозорида муҳим хусусиятларни қамраб олиши билан белгиланади. Банклар бозоридаги рақобат тушунчаси ҳам олимлар томонидан турлича ёндошувлар асосида таърифланган. Масалан, Ф. Мирзаев банклараро рақобат деб, одатда, тижорат банклари ўртасида ресурслар жалб қилиш ва мижозларга молиявий хизматлар кўрсатиш борасида юзага келадиган рақобат тушунилади деб изоҳлайди. Банклараро рақобатнинг иқтисодий мазмуни хусусида иқтисодий адабиётларда мунозарали фикрлар мавжуд эмас. Фақат банклараро рақобатни таъминлаш, банкларнинг монополистик фаолиятига чек қўйиш борасида қўлланиладиган чора-тадбирлар мамлакатларда бир-биридан сезиларли даражада фарқланади. Кўплаб назарий ишларда банк рақобатини аниқлашда унинг кредитларга таъсирини, баҳо ва молиявий хизматлар сифатига, инновацияларга, барқарор молия тизимига ҳамда иқтисодий ривожланишга таъсир доирасини аниқлашга қаратилган. Ушбу кўриб чиқиладиган муаммо жуда муҳим бўлиб, бунда банк рақобатини баҳоловчи интенсив ишончли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур бўлади. Рақобат тушунчаси жуда мураккаб тушунча бўлиб, бунда уни аниқлаш ва баҳолашнинг турли усулларини ишлаб чиқишни тақоза этади. Банк соҳасида рақобатни ташкил этиш концепцияси узок тарихга эга бўлиб, адабиётларда уларни даражасини аниқлашнинг иккита оқимига эътибор қаратилади. Ушбу оқимларни таъсир даражаси турли моделлар орқали асослаб келинади.

Банклар ўртасидаги рақобатни баҳолаш бўйича турли моделлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар таянчи сифатида тизимли ва тизимсиз ёндошувларга асосланган. Жумладан, тизимсиз ёндошув асосида рақобатни ташкил этишнинг янги НЕЮ (янги эмпирик саноат ташкилоти) фирмаларнинг рақобатбардошлигини бозордаги ҳолати орқали баҳолаш модели ҳисобланади. Бундан ташқари Лернер индекси, Панзара-Росса моделларини ушбу концепцияга киритиш мумкин. Бун индикатори эса статистик таҳлилларга боғланмасдан бозорни барча динамикасини ўзида қамраб олади.

Ҳозирги кунгача олиб борилган тадқиқотларда банк рақобат даражасини баҳоловчи омиллар хусусида аниқ бир келишувга эришилмаган. Банк соҳасидаги турли кўрсаткичлар таҳлили банкларнинг рақобат даражасини аниқ кўрсатиб бермайди. Шунинг учун рақобат даражасини аниқ бир кўрсаткичлар орқали баҳолаш доим ўзини оқламаган. Шу нуқтаи назардан, ҳар бир иқтисодчи олим ўзининг билим ва кўникмаларига асосланган ҳолда кўрсаткичларни танлаб, ўрганади ҳамда банклараро рақобатни баҳолашда фойдаланиладиган индекслар орқали таҳлил қилиб тижорат банклари ўртасидаги рақобат муҳитини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишга эришади.

Шу ўринда, ушбу соҳада яқин йиллар ичида тадқиқот олиб борган олимлар ишларини қуйидаги жадвал орқали кўрсатиб ўтиш мумкин:

1-жадвал

Банклар бозоридаги рақобатни аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар⁷

Тадқиқот олиб борганлар	Ўрганилган жой	Банклар сони	Ўрганиш оралиғи	Танланган индекс*	Рақобатга яқуний баҳо
Berger et al (2009)	Жаҳон	43	2007	HHI, L	Ўртача
Bikker et al (2012)	Жаҳон	73	1994-2004	PRH	Ўртача
Carbó et al (2009)	ЕИ	58	1995-2001	HHI, L, PRH	Ўртача
Casu and Girardone(2006)	ЕИ	63	1997-2003	CR, PRH	Ўртача
Casu and Girardone(2009)	ЕИ	73	2000-2005	L	Кучли
Claessens and Laeven(2004)	Жаҳон	106	1994-2001	PRH	Ўртача
Coccorese(2014)	Жаҳон	116	1994-2012	L	Кучли
Goddard and Wilson (2009)	G7	166	2001–2007	PRH	Кучли
Logan(2004)	Британия	357	1989–2003	CR, HHI	Кучли
Matthews et al (2007)	Британия	11	1980–2004	PRH, L	Ўртача
Schaeck and Cihák (2010)	ЕИ	-	1995–2005	B	Ўртача
Schaeck and Cihák (2012)	ЕИ	43	1999–2005	PRH	Ўртача
Schaeck and Cihák (2014)	ЕИ	43	1995–2005	B	Кучли
Schaeck et al (2009)	Жаҳон		1998–2005	PRH	Ўртача
Weill (2013)	ЕИ	56	2002–2008	L, PRH	Кучли

*Бу ерда, CR = концентрация коэффициенти; HHI = Херфендал-Хиршман индекси; L = Лернер индекси; PRH = Panzar-Rosse H-статистикаси; B = Бун индикатори

Юқорида кўриб ўтилган моделлар банкларнинг бозордаги рақобатини баҳолашда айрим омилларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш зарурлигини

⁷Муаллиф тамонидан тузилди.

кўрсатиб берган. Бугунги кунда банкларнинг бозордаги фаолиятининг ривожланиб бориши, уларнинг айрим омиллар орқали бозордаги ҳолатини баҳолаш имконини бермайди.

Жаҳон амалиётида банклар ўртасидаги рақобатнинг ташкил этиш ҳамда унинг даражасини аниқлаш бўйича қўлланилаётган моделларни чуқур таҳлил қилган ҳолда, уларнинг кучли ва кучсиз томонларни очиб бериш асосида улардан республикамиз банк амалиётида қўллаш бўйича аниқ хулосани шакллантириш муҳим ҳисобланади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Тижорат банклари ўртасидаги рақобатни баҳолашнинг амалдаги ҳолати таҳлили”** деб номланган. Ушбу бобда тижорат банкларининг рақобат бозоридаги фаолияти таҳлили, тижорат банклари ўртасидаги рақобатни юзага келтирувчи омилларнинг амалдаги ҳолати таҳлили, тижорат банклари кредит (депозит) бозоридаги рақобатини баҳолаш усули (Лернер индекси) ҳамда тижорат банклари ўртасидаги рақобат даражасини аниқлаш парадигмаси таҳлил қилинган.

Республикамиз йирик тижорат банклари банклараро бозорда турли кўрсаткичлар орқали рақобатда устунлигини таъминлашга ҳаракат қиладилар. Бугунги кунда тижорат банклари орасида ўзининг юқори мавқеига эга “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ҳамда “Ипотекабанк” АТИБ ларни рақобат бозоридаги ҳолати таҳлил қилинган.

Олиб борилган таҳлиллар жараёнида республикамиз банклар фаолиятида ахборот технологияларнинг қўллаш даражасини ортиб бораётганини кузатилди. Банк фаолиятида рақобатни ривожланиши юқори даражадаги кўрсаткич ҳисобланди. Банклараро рақобат жуда кўп омилларга боғлиқ бўлиб, бошқа бозорлардаги рақобатни шакллантиришдан тубдан фарқ қилади, ҳамда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни талаб қилади.

Банклар ўртасидаги рақобатни баҳолашнинг биринчи кўриниши эмпирик ёндошув жиҳатдан учга бўлишади: “тузилма-ҳолат-хусусият” (Structure-Conduct-Performance (SCP)). Ушбу ёндошув банкларнинг бозордаги рақобат даражасини баҳоловчи парадигма сифатида қаралади. Бунда, бозорда концентрация юқори бўлиши, банкларнинг рақобатини юқорилигини таъминлаб, натижада уларнинг даромадини ошириш имконини яратади деган хулосага асосланган (Лернер индексини оширади). Демак, банклар ўртасидаги рақобатни аниқлашда бозор концентрациясини юқори бўлиши етарли бўлиши асос сифатида қабул қилинган. Олимларнинг фикрича, рақобат бозордаги ҳолатнинг концентрацияси юқори бўлиши билан эмас, балки банкларнинг даромадлилиги билан боғлиқлиги юқори бўлишини кўрсатиб берганлар.

Жаҳон амалиётида банклар ўртасидаги рақобатни баҳолашда йирик ўнта банкларнинг активлари бўйича бозордаги улуши орқали баҳоланган. Бунда, банк активлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг кредитлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг депозитларининг бозордаги улуши олинган. Айрим давлатларда бозордаги банкларнинг рақобатини аниқлашда йирик учта, бешта ёки ўнта банкларнинг бозордаги улуши орқали аниқлаш танлаб

олинган. Жумладан, Россия Федерациясидаги йирик бешта банкнинг берилган кредитдаги улуши 2019 йил 1 январ ҳолатига кўра 67,4 % ни ташкил этган⁸. Жаҳон амалиётини кузатадиган бўлсак, Германияда бешта банкнинг активлардаги улуши 30% ни, Австрияда-36%, Буюк Британияда-37%, АҚШ-45% ни ташкил этади. Банк тизимидаги концентрацияси муаммоли давлатларда ушбу кўрсаткич қуйидагича: Португалия-70%, Кипр-67,6%, Испания-60%, Греция- 95,2%. Аммо шунинг билан биргаликда концентрацияси юқори бўлган давлатларда ҳам бешта банкларнинг активлардаги улуши юқорилигини кузатиш мумкин. Жумладан, Бельгия-65,5%, Финландия-75% ҳамда Дания-67,8% ни ташкил этади⁹.

Республикамиз тижорат банклари Б5 банкларини бир нечта кўрсаткичлари асосида уларнинг бозордаги улуши асосида таҳлил қилиб чиқамиз.

Ф. Мирзаев тадқиқотида Херфиндал-Хиршман индексини банклар бозоридаги рақобат чегарасини ўртача ҳолатни $1000 \leq X \leq 3500$ деб қабул қилишни таклиф этган¹⁰. Фикримизча, банкларимизнинг кейинги икки йилдаги ўзгаришларни ҳамда жаҳон банк бозорига кириб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу индексни мезонларини жаҳон амалиётида фойдаланаётган мезонлар асосида олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Юқоридаги таҳлилларга асосан республикамиз банкларининг активлари ҳамда капитали кўрсаткичлари асосида, йирик “Б5” тижорат банкларининг ННІ таҳлил қиламиз.

2019 йил 1 март ҳолати бўйича Б5 банкларимизнинг активлари, кредит, капитал ҳамда депозитлари бўйича ННІ қиймати таҳлил қилинганда қуйидаги натижага эришилган.

2-жадвал

Б5 банклари ННІ қиймати¹¹

Банклар	Актив	Кредит	Капитал	Депозит
Миллий банк	27,9	29,1	21,0	17,9
Асака банк	13,9	14,4	11,4	9,9
Ўзсаноатқурилишбанк	13,6	15,7	11,5	6,2
Ипотека банк	9,1	10,4	6,1	9,1
Агробанк	5,1	5,7	8,0	4,8
Умумий улуши	69,6	75,3	58,0	47,9
ННІ	1265,4	1441,3	804,4	562,7
Бозордаги ҳолат	Олигопол	Олигопол	Рақобатли	Рақобатли

Жадвал маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, тижорат банкларимизнинг 2019 йил биринчи чорадаги кўрсаткичлари асосида таҳлил

⁸ <https://www.banki.ru/news/research/?id=10890092>

⁹ <https://www.banki.ru/news/columnists/?id=9163740>

¹⁰ Мирзаев Ф.И. Ўзбекистонда банклараро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асослари. Иқтисодфанлари доктори... дисс. автореферати. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, 2009. – 41 б.

¹¹ Тижорат банклари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

қилинганда банкларнинг активлар ҳамда кредит бўйича бозордаги ҳолати олигопол, капитал ва депозит бўйича эса бозор ҳолати рақобатли бўлган.

Республикамик Б5 банкларининг активлар бўйича бозордаги улуши 60% дан пастга тушмаган. Энг паст кўрсаткич 2015 йилда 60,5% ни ташкил этган бўлса, энг юқори кўрсаткич 2017 йил 71% ни ташкил этган. Банкларимиз ичида ТИФ Миллий банкига тегишли бўлиб, 23% дан пастга тушмаган. Олинган натижалар асосида ННІ ҳисоблаб топилганда банкларнинг активлар бўйича ҳолати олигопол бўлиб, фақат 2015 йилда рақобатли бўлган. ННІ энг паст кўрсаткичи 2015 йилда ННІ=955,9 энг юқори кўрсаткичга 2017 йилда ННІ=1420,1 бўлган.

Республикамик тижорат банклари активлари бўйича ННІ қиймати таҳлил қилинганда 2012-2017 йиллар давомида банклар бозоридаги ҳолат ижобий деб баҳолаш мумкин. Аммо 2018 йилга келиб, ННІ қиймати 1992,9 тенг бўлиб монопол ҳолат юзага келган. Бунга сабаб 2018 йилда ТИФ Миллий банкнинг бозордаги улуши 34,3% ни ташкил этган.

3-жадвал

Б5 банкларнинг кўрсаткичлари асосида ННІ индекси қиймати

Индекс кўрсаткичи	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Жами кредитлар таркибида						
ННІ	1396,0	918,2	695,4	706,9	1093,8	1076,9
Бозор ҳолати	Ўртача рақобат	Кучли рақобат	Кучли рақобат	Кучли рақобат	Ўртача рақобат	Ўртача рақобат
Жами депозитлар таркибида						
ННІ	840,9	821,6	767,9	751,3	1096,9	946,7
Бозор ҳолати	Кучли рақобат	Кучли рақобат	Кучли рақобат	Кучли рақобат	Ўртача рақобат	Кучли рақобат
Жами капитали таркибида						
ННІ	846,8	840,0	803,0	762,0	961,7	826,1
Бозор ҳолати	Кучли рақобат	Кучли рақобат	Кучли рақобат	Кучли рақобат	Кучли рақобат	Кучли рақобат
Жами инвестициялар таркибида						
ННІ	3324,5	2708,5	2495,7	1392,5	1966,7	1835,5
Бозор ҳолати	монопол	монопол	монопол	монопол	монопол	монопол
Жами кредитлардан: корхона ва ташкилотларга						
ННІ	1805,2	1255,9	909,3	827,8	1048,8	1313,2
Бозор ҳолати	монопол	монопол	Кучли рақобат	Кучли рақобат	Ўртача рақобат	Ўртача рақобат

Демак, олинган натижаларга асосан республикамик Б5 банкларининг 5 та кўрсаткич бўйича бозордаги ҳолати қуйидагича кўринишга эга бўлган:

жами кредитлар таркиби бўйича, бозор концентрацияси юқори бўлиб, 2017, 2018 йилларда банклар рақобати ўртача ҳолатни сақлаб қолган;

жами депозитлар таркиби бўйича, бозор концентрацияси жуда юқори бўлиб, 2018 йилда банклар кучли рақобатни юзага келтирган;

жами капитал таркиби бўйича, бозор концентрацияси жуда юқори бўлиб, 2018 йилда банклар кучли рақобатни юзага келтирган;

жами инвестициялар таркиби бўйича, бозор концентрацияси паст бўлиб, бозордаги рақобат монопол кўринишда бўлган;

корхона ва ташкилотлар берилган кредитлар таркиби бўйича, бозор концентрацияси ўртача бўлиб, 2018 йилда ўртача рақобат сақланиб қолинган.

Диссертация ишида тижорат банклари ўртасидаги рақобатни баҳолашда Лернер индексидан фойдаланиш тавсия этилган.

Лернер индексини ҳисоблаш формуласи қуйидагича:


$$L = \frac{P - MC}{P}$$

Бу ерда, P — жойлаштирилган ресурслар баҳоси; MC — жалб қилинган ресурслар баҳоси.

Биз олиб бораётган тадқиқотларимизда кўрсаткичларни P — фоизли даромад; MC — фоизли харажат деб қабул қиламиз. Барча банкларимиз 2017 йил сентябрь ойида фоизли даромад кўрсаткичи 8589 млрд. сўм бўлган бўлса, фоизли харажат 4940 млрд. сўмни ташкил этган. 2018 йил сентябрь ойида мос равишда 15551 млрд. сўмни ҳамда 9489 млрд. сўмни ташкил этган¹². Берилган маълумотлар асосида Лернер индексини ҳисоблаймиз:

$$L_{2017} = \frac{8589 - 4940}{8589} = 0,4248; \quad L_{2018} = \frac{15551 - 9489}{15551} = 0,3898$$

Республикамик банкларини 7 йиллик маълумотларини ҳисоблаганимизда қуйидаги натижаларга эга бўлдик:



1-расм. Республикамик тижорат банкларини фоизли даромад ва фоизли харажатлар бўйича Лернер индекси динамикаси¹³.

¹²<http://cbu.uz/uzc/statistics/bankstats/2019/09/174868/>

¹³Тижорат банклари маълумотлари асосида тайёрланди.

Демак, Лернер индекси мезонларига эътибор қаратадиган бўлсак, республикада банкларнинг фоизли даромад ва харажатлар бўйича кўрсаткичлари 2012 йилга нисбатан камайиш тенденциясига эга бўлиб, монополистик рақобатни юзага келтирган ($0,7 < L < 1$ – монопол, $0,3 < L < 0,69$ – монополистик рақобат, $0 < L < 0,29$ – соф рақобат)¹⁴. Фоизли даромад ва харажатларни асоси бўлган, банкларнинг кредит ва депозит бозоридаги улуши бўйича Лернер индексини ҳисоблаш формуласига қуйидагича ўзгартириш киритамиз¹⁵:

$$L = \frac{\sum_{i=1}^N P_i - \sum_{i=1}^N MC_i}{\sum_{i=1}^N P_i}$$

Бу ерда, P_i – i -чи банкнинг кредит бўйича бозордаги улуши, MC_i – i -чи банкнинг депозит бўйича бозордаги улуши, N – иштирок этаётган банклар сони.

Давлат улушига эга бўлган банкларнинг 2019 йил сентябр ойидаги кредит ва депозит бозоридаги улушлари бўйича Лернер индексини ҳисоблаб топамиз.

4-жадвал

Давлат улуши мавжуд бўлган банклар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида 2019 йил 1 сентябрь ҳолатига МАЪЛУМОТ¹⁶

№	Банк номи	Кредит		Депозит	
		Сумма млрд.	улуши, фоизда	Сумма млрд.	улуши, фоизда
Давлатулуши мавжудбанклар		206 114	90%	64 838	71%
1.	Асака банк	33 215	14,50%	10 768	11,80%
2.	Ўзсаноатқурилишбанк	34 530	15,00%	6 325	6,90%
3.	Ипотека банк	22 800	9,90%	7 768	8,50%
4.	Агробанк	14 699	6,40%	4 970	5,50%
5.	Халқ банки	9 859	4,30%	6 964	7,60%
6.	Қишлоқ қурилиш банк	10 550	4,60%	3 527	3,90%
7.	Алоқа банк	5 844	2,50%	5 056	5,50%
8.	Турон банк	3 557	1,50%	1 285	1,40%
9.	Микрокредит банк	3 344	1,50%	1 425	1,60%
10.	Азия Альянс банк	1 528	0,70%	1 637	1,80%
11.	Пойтахт банк	101	0,04%	82	0,10%
12.	Ўззагрозэкспортбанк	94	0,04%	17	0,02%

¹⁴ $0,7 < L < 1$ – монопол, $0,3 < L < 0,69$ – монополистик рақобат, $0 < L < 0,29$ – соф рақобат. Ушбу мезон муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқотлар асосида тақлиф этилди.

¹⁵ Ушбу формула муаллиф томонидан тақлиф этилди.

¹⁶<http://cbu.uz/uzc/statistics/bankstats/2019/09/174868/>

Берилган жадвал маълумотларидан фойдаланган ҳолда Лернер индексини ҳисоблаб топамиз:

$$L_{2018} = \frac{90 - 71}{71} = 0,2111$$

Олинган натижадан кўришиб турибдики ушбу кўрсаткич бўйича давлат улуши эга бўлган банкларнинг Лернер мезони бўйича соф рақобатни ташкил этади.

Демак, банкларни рақобат бозоридаги даражасини аниқлашда энг муҳим омиллар қаторига ишончли ахборотни киритилиши бевосита банкларнинг молия бозоридаги ўзгаришларга таъсирчанлик даражаси юқорилиги билан баҳоланади. Ривожланган давлатларда банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги иштироки асосида олаётган даромадининг юқорилиги ишончли ахборотнинг етказилиши муҳим ҳисобланади.

Олиб борилган тадқиқот натижасига кўра тижорат банклари рақобат даражасини баҳолашда таклиф этилаётган too-big-to-fail (ТВТФ) моделининг энг муҳим хусусиятлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин: биринчидан, республикамиз банклар бозорида рақобат даражасини баҳолаш концепциясини яратиш имконини беради, иккинчидан, давлат улушига эга бўлган банкларни хусусий инвесторларга сотиш орқали уларни бозордаги мустақиллигини таъминлайди, учинчидан, банкларни рақобат даражасини баҳолашда фақат миқдорий кўрсаткичлар орқали эмас, балки бошқа омиллар ишончли ахборот ҳамда замонавий бизнес-моделларга таяниш зарурлигини белгилайди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Тижорат банклари ўртасидаги рақобатни самарали ташкил этиш механизми”** деб номланган ушбу бобда тижорат банклари ўртасидаги рақобатни ривожлантириш йўналишлари ҳамда банклараро бозорда банк ва молиявий институтлар ўртасидаги рақобатни самарали ташкил этиш механизмини ривожлантириш йўллари таҳлил этилган. Тижорат банклари ўртасидаги рақобатни ташкил этишда қуйидагиларни ҳисобга олиш муҳимлиги асосланди:

Биринчидан, банклар бозорида ишончли ахборотларнинг етиб келмаслиги. Айнан ахборотлар банклар ўртасидаги рақобатни кучайтиришга муҳим ўрин эгаллайди.


Иккинчидан, япониялик олим Н. Кано томонидан яратилган ғояларни тўлиқ банк фаолиятига қўллаш банкларнинг рақобат бозорида устунлигини таъминлаш имкониятини янада оширади:

